



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 29 ноябрь, № 256 (8318)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги Россия парламент делегациясини қабул қилди.



Учрашув аввалида Вячеслав Володин давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни

ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Кейинги йилларда парламентларо мулоқотлар жадал суръат қасб этгани, Ўзбекистон ва Россия ҳудудларида янги форматдаги — икки мамлакат парламентларининг палата ва қўмиталари раҳбарлари даражасида учрашувлар ўтказиш амалиёти жорий қилингани алоҳида қайд этилди.

Янги ташкил этилган Ҳамкорлик бўйича парламентларо комиссия фаолияти икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда қўнғичлик фаолиятини ташкил этиш соҳасида тажриба алмашишни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йилнинг бошидан буён икки томонлама товар айирбошлаш учдан бирга ошди. Россия инвестицияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, қишлоқ хўжалиги тармоқларида қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида

ишбилармонлик алоқалари изчил кенгайтириб бормоқда. Маданий-гуманитар йўналишда, энг аввало, олий ва ўрта таълим ҳамда туризм соҳаларида самарали ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Россия делегацияси аъзолари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ижтимоий-иқтисодий ри-

вожланиш, ёшлар тарбияси, соғлиқни сақлаш салоҳиятини ошириш, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини модернизация қилиш борасида рўй берган ўзгаришларни юксак баҳолади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ТЕЗЮРАР ПОЕЗД НУКУСГАЧА БОРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси бўйича тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда транспорт тармоқлари изчил ривожлантириб келинмоқда. Хусусан, 2018 йилда Бухоро — Мискин темир йўли қурилиб, Хивагача масофа 242 километрга қисқарган эди. Шу билан бирга, электр поездининг умумдирлиги 4,5 баробар юқорилигини инobatга олиб, мавжуд темир йўллар электрлаштирилмоқда. Сўнги йилларда Қарши — Китеб, Поп — Наманган — Андижон ҳамда Қарши — Термиз йўналишлари электрлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари хоразмликлар билан учрашганда 2024 йилда Хивага тезюрар электр поезди йўлга қўйилишини айтган эди ва бу режа Ўзбекистон Республикасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилди. Шу тариқа, Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш бошланди. Тақдимотда бу ишларнинг бориши ва қўлайлашган натижалар ҳақида ахборот берилди. Мазкур лойиҳанинг қиймати 445 миллион доллар. Шундан 270 миллион доллар Осие таракқиёт банки ва Осие инфратузилмавий инвестициялар банкидан жалб этилади. Лойиҳа доирасида Бухородан Хивагача бўлган 465 километр темир йўл тармоғи электрлаштирилади, бекат, нимстанциялар ва бошқа иншоотлар қурилади.

Йўлнинг самардорлиги, шунга яраша, анча ошади. Масалан, поездларнинг юқори тезлиги соатида 250 километргача бўлади. Натижада йўловчиларнинг Тошкентдан Урганчгача етиб бориш вақти 14 соатдан 6 соатга, Бухородан Хивагача 8 соатдан 3 соатгача қисқаради. Бу халқимизга катта қўлайлик яратиб, туризм ривожига ҳам муҳим омил бўлади.

Тезлик эвазига темир йўлнинг ўтказувчанлиги ҳам ошади. Юк ташини имконияти йилига 11 миллион тоннагача,

йўловчилар сони 2 миллион 300 минг нафарга етади. Поездлар электр энергиясида юриши ҳисобига йилига 18 минг тонна дизел ёнилғиси тежалди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг сифатли бўлишига алоҳида аҳамият қаратди.

— Аввалги лойиҳаларда мутахассисларимиз анча тажриба орттириди, чет эллик консултантлар ҳам жалб этилди. Энди асосийси — ишни сифатли бажариш. Бу йўлни қанча яхши қилсак, халқимизга шароит, туристлар учун қўлайлик, иқтисодий таъминот манфаат бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳокимларига тезюрар поезд ўтадиган туман ва шаҳарларда йўл бўйи хизматларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. — Темир йўл борган жойга маданият боради, хаёт жонланади. Шундай экан, бекатлар атрофида, худди автомобиль йўлларида бўлганидек, савдо ва хизмат шохобчаларини кўпайтириш керак. Яна бир вазифа — темир йўл бўйлаб чўл иклимига мос дархат ва буталар экиш зарур. Бу ҳам худуд экологиясига таъсир қилади, ҳам йўл бўйларига кўрк бағишлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз мутасаддиларга ҳозирги лойиҳага ҳамоҳанг тарзда, Нукус шаҳригача бўлган темир йўлни ҳам электрлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бунинг натижасида Тошкент билан Нукус ўртасидаги қатнов вақти 16 соатдан 7 соатгача қисқаради. Тадбирда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, давлат ташкилотлари биноларида қўёш панеллари ўрнатиш, аҳолини бу борада рағбатлантириш масалалари бўйича ҳам топшириқлар берилди.

ЎзА.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тергов фаолиятида "Инсон кадри учун" деган эзгу гоани тўлиқ рўёбга чиқариш, жиноятларни ўз вақтида фош этишни ташкил этиш тергов органларининг фаолиятини қонун устуворлигини ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва замон талабларига жавоб берадиган тергов соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш талаб этилмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ушбу йўналишга илғор халқаро стандартлар ва замонвий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида:

1. Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси ва Адлия вазирлигининг қўйидаги тақлифлари маъқуллансин;
- Бош прокуратура Академияси негизида

## Мулоқот

### ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЙЎНАЛИШЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин билан учрашди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасидаги алоқалар, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, транспорт-логистика, агросаноат, илмий-техник соҳаларда истиқболли лойиҳаларни илгари суриш, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш ҳамда парламентларо ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Сенат Раиси Т. Норбоева икки давлат ўртасидаги парламентларо ҳамкорликка тўхталаркан, жорий йилнинг октябр ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентларо Ассамблеяси кузги сессияси МДҲ парламентлари ўртасидаги алоқаларда мутлақо янги даврни бошлаб берганлигини алоҳида эътироф этди.

Ўз навбатида, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси В. Володин парламентларо имконияти доирасида иккала давлат раҳбарлари даражасида қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш муҳимлигини таъкидлаб, бугунги кунда Ўзбекистон Россиянинг муҳим иқтисодий шериги эканлигига, мамлакатлар ўртасида савдо айланмаси ўсаёт-

ганлиги ва бундан келиб чиқиб, транспорт, саноат, туризм ва бошқа соҳаларда алоқаларни кучайтириш зарурлигига ургу берди. Мулоқот давомида халқаро парламентларо ташкилотлар доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, учрашувда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

(Давоми 2-бетда).

## Парламент дипломатияси

### СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, конструктив ташқи сиёсат олиб боришда парламент дипломатияси ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Бунда хоржик давлатлари парламентлари билан дўстлик гуруҳлари имкониятларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғичлик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар барқарор, дўстона тарзда ривожланаётди. Икки давлат раҳбарларининг яқин муносабатлари, барча соҳадаги ўзаро ишонч парламентларо ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, кейинги йиллардаги олий даражадаги ташрифлар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси ўртасидаги алоқалар ўзаро муносабатлар тарихида бутунлай янги босқичга кўтарилди.

Мулоқотда Спикер Н. Исмоилов томонидан делегация аъзоларига мамлакатимизда Тараққиёт стратегияси асосида ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламентининг қўнғичлик фаолияти, норма ижодкорлиги, фракция ва қўмиталарнинг иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берилди.

Учрашувда кейинги йилларда икки томонлама муносабатларнинг босқичма-босқич ривожланиб бораётгани, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги мулоқотларнинг фаоллашгани ижобий баҳоланди.

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида кечган учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги парламентларо алоқаларни янги мазмун билан бойитиш, қўнғичлик соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, В. Володин самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги мулоқотларни кўпайтириш ҳар томонлама фойдали эканини қайд этди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғичлик палатаси билан Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думасининг Ҳамкорлик бўйича парламентларо комиссиясини тузишга келишиб олинди ҳамда комиссиянинг Регламентини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Самимий ва конструктив руҳда ўтган учрашувда томонлар парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга келишиб олдилар. Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси В. Володин бошчилигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис Қўнғичлик палатаси Спикери Н. Исмоилов ҳамроҳлигида Галаба бонига ташриф буюрди.

3

## ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ

### МАРКАЗИЙ ЎҚУВ РЕЖАГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМДАН МАРКАЗИДА ЎҚУВЧИ ТУРУВЧИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ САРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни Навоий вилоятига ташрифи давомида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, фаоллар ва ёшлар билан мулоқоти чоғида мамлакатимизда инсон қадр-қимматини юксалтиришга эътибор намунаси сифатида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида тўхталиди.

## Семинар

Жумладан, мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун Финляндиядан фин

станданти бўйича тайёрланган дарслик китоблар келтирилгани, пойтахтимизда Фин-

ляндиянинг олийгоҳи — Халқаро Нордик университети очилгани, фин эксперт-педагогларининг бизга яқиндан ҳамкор бўлаётганини эътироф этди. Эндилкида муаллимлар ҳам четда эмас, тажрибали фин устозларини тақлиф этиб, ўзимизда ўқитилаётгани, бу саъй-ҳаракатлар келгусида катта ижобий натижалар кўрсатишига ургу берди.

4





# ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ

## МАРКАЗИЙ ЎҚУВ РЕЖАГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМДАН МАРКАЗИДА ЎҚУВЧИ ТУРУВЧИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ САРИ



Тошкент шаҳридаги Халқаро Нордик университетда юртимиз халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар, педагоглар учун Финляндиядан ташириф буюрган мутахассислар иштирокида ташкил этилган икки кунлик ўқув семинари ана шундай амалий ишлардан бири бўлди.

“Ўқувчиларга йўналтирилган таълим: ўқувчиларнинг касбий маҳорати ва уни

ривожлантиришнинг замонавий усуллари” мавзусидаги машғулотларда юртимизнинг турли ҳудудларидан мактаб директорлари, муаллимлари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари педагоглари катнашди. Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мутахассис, Финляндия мактабларида янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида 25 йиллик тажрибага

эга спикер Петри Лоуранскорпи ҳамда Финляндия ва Европада ўқувчиларни қайта тайёрлаш ва таълимни ривожлантириш бўйича 25 йилдан ортиқ тажрибага эга ўқув дизайнери, таълим маслаҳатчиси Ханне Коли томонидан катнашчиларга қатор маҳорат дарслари ташкил қилинди.

Даржақат, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида барча соҳани юқори сифат босқичига кўтаришга қаратилган ислохотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида мамлакатимизда интеллектуал ҳамда маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мазкур жараёнда дунё мқбсидидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ҳамда стандартларини оптималлаштиришга қаратилган кенг қўлмил ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда халқаро ҳамкорликка, жумладан, Финляндиянинг илғор тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор берилляпти.

Бу бежиз эмас, албатта. Европанинг ушбу ривожланган давлати айнан таълим соҳасида эришаётган муваффақиятлари билан ажабли туради. Мамлакатнинг таълим тизимида жорий этилган тамойиллар, стандартлар, педагогик талаблар, ўқувчиларни ёдлашга эмас, балки фикрлашга

чорлайдиган ўқув методикалари, очкилик ва шаффофлики таъминловчи меъёрлар дунё давлатлари учун намуна бўлиб келмоқда.

Президентимизнинг топшириғига кўра бугунги кунда Финляндия моделини жорий этиш мақсадига Қашқадарё ва Навой вилоятларида қатор ишлар олиб бориляпти. Мазкур вилоятлар ҳокимликларига Финляндиядан таълим бўйича маслаҳатчи-экспертлар таклиф этилди. Айни дамда улар томонидан халқ таълими тизимидаги мавжуд ҳолатлар, ўқувчилар билими, педагоглар маҳорати, дарсликлар ва ўқитиш услублари танқидий таҳлил этилиб, келгусида ривожланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишмоқда.

Таълим тизимидаги ислохотлар жараёнида айнан ўқувчилар савиясини юксалтиришга алоҳида урғу берилаятгани гоёта муҳимдир. Чунки соҳага эътибор кучайтирилиб, қанчалик катта маблағ ва инвестиция жалб этилмасин, шарт-шароитлар ва кулайликлар муҳайё қилинмасин, мурғак қалблар билан ишлайдиган муаллимлар замонавий фикрламаса, кенг тафаккур ва билимга эга бўлмаса, эртаммиз эгаларини ҳаётга тўғри



йўналтирмас, кўзланган натижаларга эришиш мушкил.

Бугун ўқувчи-мураббийларга таълимни ўзгартириш билан бирга, айни пайтда жамиятни янгилаш, одамлар тафаккурини юксалтиришдек улғувроқ вазибалар ҳам юкланмоқда, бу улар зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Маъсулият раҳбари таълими билан айтганда, биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлгуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Богча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғошни даврининг тўрт таянч устунини, деб ҳисоблаймиз.

Семинарда қатнашчиларга фин таълим тизимининг мазмун-моҳияти, ўзига хослиги ҳақида тушунча берилди. Педагогларнинг ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, илғор педтехнологияларни ҳаётга татбиқ этиш маҳорати оширилди. Европанинг нуфузли олий ўқув юртилари ва Халқаро Нордик университети ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизмлари, илғор тажрибалар ҳақида сўзлаб берилди.

### Сўз — иштирокчиларга



**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,** Халқаро Нордик университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:

нинг сентябрь ойида “Финляндия таълим тизимининг феномени: ўқув муҳитини барпо этишда Финляндия ёндашуви билан амалий қўлланилиши, ўқув муҳитининг натижаларга ва талабалар мотивациясига таъсири” мавзусида халқаро семинар-тренинг ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlar Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Финляндиянинг “ИСКУ” компанияси ҳамкорлигида ўтказилган конференцияда Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган давлат ва нодавлат мактаблар директорларининг малакаси оширилди. Зеро, Финляндия таълим тажрибасида энг асосий эътибор ўқувчиларни тайёрлашга қаратилиб, тизимнинг муваффақияти айнан юқори салоҳиятли педагоглар билан боғлиқдир.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Стокгольм университетидан таълим эксперти, Швеция, Бангладеш ва Лесотода маъруза тажрибасига эга бўлган мутахассис Анника Каллебо таклиф этилиб, профессор-ўқитувчиларнинг малакаси оширилди. Ушбу эксперт билан глобал мқбсда истиқбол, эрта болалик таълими, эмпирик, методологик, концептуал тарзда таълим майдонларида тадқиқот ва амалиётларни ташкил этиш каби устувор жиҳатларда тажриба алмашилди. Шунингдек, Финляндиянинг нуфузли делегацияси — машхур Хельсинки Финляндия қўшма таълим мактаби директори ва ўқувчиларнинг юртимизга таширифи ташкил этилиб, қатор давлат ва нодавлат мактабларда уррашувлар ўтказилди. Бу ташириф фин ва

Ўзбек ёшлари учун янги билим ва тажрибалар, кадриятлар ва фикр алмашиш имкониятини яратгани билан муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ташириф нафақат Ўзбекистон — Финляндия таълим тажрибалари алмашиш, балки келгусида ўзбек-фин мактаблари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳам хизмат қилади.

Университетга финляндиялик профессор-ўқитувчи Татьяна Исмаева таклиф этилиб, талаба-ёшларнинг ушбу бахтли инсонлар мамлақати ҳақидаги дунёқарашлари бойитилмоқда. Уларнинг билимлари фин тажрибалари асосида ошириб бориляпти. Ушбу фин профессори билан пойтахтимиз ва водий вилоятлари мактабларида ҳам уррашувлар ташкил этилди. Туманлар ҳокимликлари масъуллари ва халқ таълими бўлими мудири билан музокаралар ўтказилиб, Финляндия таълим моделини ҳудудлардаги таълим муассасаларига татбиқ этишга келишилди.

Халқаро Нордик университети келгусида ҳам юртимиз таълим тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ва ёшлар манфаатлари ҳамда таълим-тарбияси йўлида Финляндия таълим масъулари билан алоқаларни изчил кенгайтириб боради. Ўзбекистон — Финляндия ва бошқа Шимолӣ давлатлар ўртасида таълим, инновациялар, стартаплар, инвестициялар ҳамда тадқиқотлар соҳаларида ривожлантирувчи, ҳамкорликни мустаҳкамловчи платформа вазифасини бажаради.

**Петри ЛОУРАНСКОРПИ,** Савония университети (Финляндия) профессори, Қашқадарё вилояти ҳокимининг таълим бўйича маслаҳатчиси:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг таълимни ривожлантиришга қаратаётган эътиборидан ҳади хурсандман. Умумий тараққиётга глобал таҳдидлар қучайган, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари, экологик инкироз тобора ортиб бораётган ҳозирги даврда Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси учун катта инвестиция жалб этилмоқда, улар учун барча шарт-шароит ҳозирланяпти. Бу тажриба дунё давлатлари учун ёрқин намуна бўла олади.

XXI асрда таълим тизимини қандай ривожлантириш керак? Бу масалага жаҳоннинг турли минтақаларида турлича муносабатда бўлиниди ва ўзига хос чора-тадбирлар қўрилади. Финляндиянинг таълим тўғрисидаги қонунда эса учта асосий мақсад белгилаб бе-



рилган, яъни ўқувчиларга ҳаётда зарур бўлган билим ва кўникмаларни бериш, жамиятда ривожланиш ва тенгликни тарғиб қилиш ҳамда бутун мамлакат бўйлаб таълим соҳасида юқори сифатни таъминлаш.

Фин таълим модели ҳар жиҳатдан самарадорлиги билан бутун дунёда алоҳида мавқега эга. Бу ерда барча мактабда таълим сифатининг юксак даражасига эришилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг маълумотларига кўра, фин

мактаблари жаҳон таълим тизими рейтингиде етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу скандинав мамлакатининг мактаб ўқувчилари энг юқори билим даражасини намойиш этишади.

Ўзбекистонда иш бошларканмиз, аввало, мавжуд ҳолатни пухта ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз. Жуда қизиқарли муҳокамалар асосида англиялаптики, Ўзбекистон мактабларидаги анъанавий таълим тизимида ёшларнинг келажакдаги кўникмаларига мос келмайдиган тушунчалар мавжуд. Ўқитувчиларнинг ўз касбига муносабатини ўзгартириш келгуси муваффақиятларнинг пойдевори бўла олади. Халқаро Нордик университетида ўтказилган тренингда педагоглар учун янги усулларни жорий қилишга интилдиг, чунки ўқитувчилар малакасини ошириш фақат ушбу кўникмаларни амалда қўллаш билан кечади. Амалий ўрганиш ўқитувчининг шахсий ва касбий ривожланиши учун ягона чорадир.

Қашқадарё вилоятида ишлаш жа-

раёнида шунга гувоҳ бўлдимки, таълим ташкилотлари мамлакатда бошланган кенг қуламли ислохотларга жуда секин реакция билдиришади. Лекин энг муҳими, биз ҳозирда Қашқадарёда XXI аср малакалари, талабалари нуқтаи назаридан ўқитувчиларни қандай тайёрлаш бўйича янги гоёларни ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан тажриба лойиҳасини ишлаб чиқмоқдамиз. Биз бу лойиҳани 16 та мактабни қамраган ҳолда тажриба сифатида ўтказишни белгилаб олдим. Жараён аллақачон бошланган ва бу кейинги йил ҳам давом этади. Лойиҳада яна 50 га яқин мактаблар бор ва улар, Президент жаноблари айтиб ўтганидек, фин таълим стандарти асосида ривожланади. Шундай қилиб, Финляндия таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизимига жорий этиш янада кенгайди. Биз Ўзбекистонга энг юқори сифатли таълим тизимини, малака ошириш учун энг яхши фин ўқувчиларини олиб келиш ниятидамыз.



**Ханне КОЛИ,** Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва таълимни ривожлантириш бўйича эксперт (Финляндия), Навой вилояти ҳокимининг таълим бўйича маслаҳатчиси:

нингнинг асосий гоёиси — ўқувчиларга таълим беришнинг энг самарали усуллари ни ўргатишдир. Шу билан бирга, уларнинг Финляндия ва ушбу мамлакат таълим тизимидаги янгиликлар ҳақидаги тасавурларини, билимларини янада бойитишни мақсад қилганмиз.

Биз ўқитувчилар малакаси ва ҳаётий кўникмаларини юксалтиришга катта эътибор қаратдик. Масалан, мунтазам ўз салоҳиятини бойитиб бориш, портфолиолар ёзиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, болаларга шахс сифатида

ёндашиш, ўқитишнинг турли усуллари ни намойиш қилдик. Тренингдан маълумки, ўқувчилар мавзуларга, шунингдек, иш услуби-мизга жуда қизиқшмоқда.

Бугун таълимда фақат назарияларга асосланмиш ижобий натижалар бермайдди. Ўқувчилар олган билимларини амалиётда синиши, ҳаётда қўриши, жараёнлар иштирокчисига айлиниши керак. Шундангина улар олган билимларини бир умр эсдан чикармайдди, ҳаётда қўллай олади. Шу жиҳатдан тренингда ўқитувчилар

қўллаб маълумотларга, кўникмаларга эга бўлди. Ижтимоий таълим жараёнида ишлашди, кейин эса биз таълим соҳасини қўллаш ижодий ва инновацион бўлиши ке-раклигини амалиётларда кўрсатиб бердик. Бу шунга аниқлашдики, тренинг нафақат саволларга тўғри жавоб олиш, балки янги гоёлар ва амалиётларни ишлаб чиқишга ҳам самарали бўлди. Уйлайманки, ўқитувчилар билимларини ривожлантиришда катта кўмак олди.

Навой вилоятида ишлаётган нимага икки ой бўлди. Вилоят ҳудуди катта бўлса-да, ҳар бир мактабга бориб танишишга ҳаракат қилганман. Туманлар ҳокимлари билан уррашувлар интиляпман. Мен учун кўзлари ёниқ,

ўқишга иштиёқи баланд чекка қишлоқ ёшларини, уч миғдан ошиқ ўқувчиларга эга улкан мактабларни кўриш ҳайратланарли бўлди. Мамлакатингизда таълим соҳасида катта муваффақиятларга эришишда улкан салоҳият мавжудлиғига яна бир бор амин бўлдим. Жараёнда ўқитувчилар, ота-оналар, маъмурлар билан суҳбатлашиш орқали қўллаб маълумотларни тўллаб боряпман. Бундан ташқари, мактабларнинг илмий фаолияти, ЮНЕСЕФ хабарлари, ўқитувчи ва мутасаддилар қарашлари ҳақида кўп ўқидим. Давлат раҳбарининг ҳар бир қиқшини эътибор билан қўзатаман. Бу менга мамлакатнинг асосий мақсади нима эканлигини

ни ҳис қилиш ва аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришда, кейин таълимни қандай яхшилаш бўйича ўз тақлифларини тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатингиз ўқитувчиларининг маҳорати мактовга лойик, чунки улар назарий маълумотларга жуда яхши тайёргарлик қўришган, лекин амалиётга татбиқ қилишда камчиликлар мавжуд. Мақсадимиз — ана шундай камчиликларни бартараф этиш ва соҳага халқаро андозаларни, илғор фин тажрибасини самарали татбиқ этишдир. Бу йўлда Ўзбекистонда биз учун яратилган шароитлардан хурсандимиз.

**Венера АРЗИМБЕТОВА,** Нукус шаҳридаги 46-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:



— 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, малака ошириш тизимини “хаёт давомида ўқиш” тамойили асосида такомиллаштириб бориш таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Мамлакатимизда муаллимлар учун бу йўлда яратилган шароитлар бизни мамнун этади.

Халқаро Нордик университетиде Финляндия таълим моделини ўргатиш бўйича ўтказилган семинар ҳам янги билимларни ўзлаштиришимизда, тажрибаимизни бойитишимизда самарали бўлди, деб ўйлайман. Тренингларда таълим жараёнида ўқувчилар билан ишлаш ҳақида муҳим кўникмаларни эгалладик. Яъни ўқувчиларнинг билимларини оширишда уларга босим ўтказиш эмас, балки уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, қизиқшиларидан келиб чиқиб, ҳаётга тайёрлаш, иқтидорларини чарқлаш бўйича зарур маълумотларга эга бўлдик. Бу билимлар келгуси фаолиятимизда асқатишига ишончин кобил.

Дилшоҳ ҚАРИМОВ («Халқ сўзи»).

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 890 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100000,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Д. Қаримов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
**Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.04** Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6